O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

20**24** yil «**5**» **avgust** № **481** Toshkent sh.

# Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш билан боғлиқ айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 9 январдаги ПФ–8-сон Фармони ҳамда “Республикада кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришда маҳаллий тадбиркорларни кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 11 январдаги ПҚ–17-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун рухсатнома олиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

б) Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

в) Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомга **4-иловага** мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан махсус электрон тизим орқали расмийлаштириш;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялаш паспортини тасдиқлаш.

O‘simliklar karantini va himoyasi agentligi
K/R: 04-287 2024-yil 6 -avgust

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси билан биргаликда **2024 йил 1 октябрга қадар** минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланмасини ва бу борадаги халқаро тажрибани таҳлил қилиб, Мажбурий рақамли маркировкалаш жорий этиладиган ҳамда тажриба лойиҳалари амалга ошириладиган айрим турдаги маҳсулотлар рўйхатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси билан биргаликда **икки ой муддатда** ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги хавф-хатарларни таҳлил қилиб, хавфларни бошқаришга асосланган танлаб олишнинг автоматлаштирилган механизмини шакллантирсин ва амалиётга жорий этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг 1-2-бандлари мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **олти ой ўтгач** кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари Ж. А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** — **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 5 августдаги 481 -сон қарорига
1-илова

# Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун рухсатнома олиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ААТ** – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими;

**рухсатнома** – минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар (кейинги ўринларда – минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар)ни мазкур Низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**талабгор** – минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш мақсадида мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахс.

3. Рухсатнома Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан берилади.

4. Рухсатнома талаб этиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг рўйхати мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдосини амалга ошириш учун лицензияга эга ёки ўз эҳтиёжлари учун ишлатадиган жисмоний ва юридик шахслар томонидан олиб кирилади.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни ўз эҳтиёжлари учун олиб кирган жисмоний ва юридик шахслар улардан ўзларига тегишли ер майдонларида ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадилар. Бунда, улар билан улгуржи ёки чакана савдо амалга оширилиши тақиқланади.

5. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан рухсатномада белгиланган талаб ва шартларга риоя этилиши Агентлик ва Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар) томонидан назорат қилинади.

6. Рухсатнома Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий мамлакатлардан сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни, шунингдек, уларнинг ғайриқонуний нусхаларини олиб киришдан муҳофаза этиш мақсадида берилади.

7. Агентлик талабгорлар томонидан рухсатнома олиш учун зарур бўлган маълумотларни расмий веб-сайтига, “Ягона дарча” божхона ахборот тизими ҳамда ААТга жойлаштиради.

8. Рухсатнома ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

## 2-боб. Рухсатномани беришга оид талаблар ва шартлар

9. Қуйидагилар рухсат беришга оид талаблар ва шартлар ҳисобланади:

ушбу Низомнинг 3-иловаси билан тасдиқланган паспорт (кейинги ўринларда – Паспорт)нинг 9-бандида келтирилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

рухсатномани олиш, қайта расмийлаштириш ва муддатини узайтириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

юридик шахс бўлган талабгорнинг номи, юридик манзили ўзгарганлиги рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ёки филиал ва ваколатхона очилгандан сўнг ваколатли органга ўн иш куни ичида “Ягона дарча” божхона ахборот тизими ёки ААТдаги шахсий кабинети орқали мурожаат қилиш;

жисмоний шахс бўлган талабгорнинг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтгандан кейин беш иш кунида “Ягона дарча” божхона ахборот тизими ёки ААТ орқали мурожаат қилиш.

Паспортнинг 9-бандида ушбу бандга қўшимча равишда минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни олиб кириш фаолиятини амалга ошириш (ҳаракатларни бажариш) учун алоҳида талаб ва шартлар белгиланади.

## 3-боб. Рухсатнома олиш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби

10. Талабгор ёки унинг номидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахслар электрон рақамли имзосидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда (талабгор – жисмоний шахслар учун ЭРИ ўрнига Мобил-ID тизимидан ҳам фойдаланиш мумкин) рухсатномани олиш учун “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали ариза юборади.

Аризага Паспортнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжат ва маълумотлар илова қилинади.

Ариза талабгордан “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига интеграция қилинган ААТ орқали электрон шаклда, талабгорнинг ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда қабул қилинади ва рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик равишда талабгорга юборилади.

11. Талабгордан ушбу Низомнинг 10-банди ва Паспортнинг 5-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни ва маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

12. Аризани кўриб чиқиш учун талабгордан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Агентликнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Аризани кўриб чиқиш учун тўланган йиғим талабгор аризасидан воз кечган тақдирда ёки ариза кўриб чиқилгандан сўнг рухсатнома бериш рад этилган тақдирда талабгорга қайтарилмайди.

13. Аризага киритилган маълумотлар ААТ орқали идоралараро ҳамкорлик тизимларида мавжуд маълумотлар асосида дастлаб автоматик равишда таққосланади ва текширилади.

Ариза қуйидаги ҳолларда автоматик равишда қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон маълумотлар киритилганлиги ААТ орқали аниқланганда;

мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган йиғим тўланмаганда;

рухсатнома беришга оид талаб ва шартларга риоя этилиши тасдиқланмаганда;

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси учун лицензия мавжуд бўлмаганда;

рухсатномалар реестрида талабгорнинг айни бир хил фаолият бўйича киритилган ва амалда бўлган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда;

талабгорнинг айни бир хил фаолиятни ёки ҳаракатни амалга ошириши муайян муддатга тўхтатилганда;

талабгор томонидан рухсатнома бўйича танланган фаолиятни амалга ошириш ва/ёки ҳаракат суднинг қарорига асосан муайян муддатга тақиқланганда.

Мазкур бандда кўрсатилганлардан ташқари бошқа асослар билан аризани қабул қилмасликка йўл қўйилмайди.

14. Рухсатнома ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилади.

Рухсатнома ўн икки ой муддатга тақдим қилинади, агар талабгор томонидан ўн икки ой муддатда минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар олиб кирилмаган тақдирда, рухсатноманинг амал қилиш муддати тўхтатилади ва янги рухсатнома олиш учун қайта ариза берилади.

15. Рухсатномани бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор Агентликка ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни давомида қабул қилинади ва қарорга мувофиқ тегишли ҳужжат ҳақида талабгорга ААТ орқали электрон шаклда хабар берилади.

16. Қуйидагилар рухсатномани беришни рад этиш учун асос бўлади:

рухсатнома берилиши учун Паспортнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг талабгор томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

талабгорнинг рухсатнома беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ёлғон маълумотларнинг мавжудлиги;

олиб кирилиши режалаштирилган маҳсулотнинг яроқлилик муддати Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган даврдан бошлаб олти ойдан кам эканлиги;

Агентлик ёки соҳа юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширувлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашлар якунлари бўйича асосланган салбий хулоса олиш.

Мазкур банднинг иккинчи-бешинчи хатбошиларида белгиланган рухсатномани беришни рад этиш учун асосларнинг бартараф этилишига муддат берилиши назарда тутилади.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, рухсатномани беришни мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

17. Рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома талабгорга электрон шаклда рад этиш сабаблари, қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари ва талабгор кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат белгиланган ҳолда юборилади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

18. Талабгор рухсатномани беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, рухсатномани бериш ёки беришни рад этиш талабгордан рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик томонидан такроран кўриб чиқилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

19. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ариза берувчига илгари ёзма хабарномада баён қилинмаган рад этиш сабаблари Агентлик томонидан келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

20. Рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин талабгор томонидан топширилган ариза янги топширилган ҳисобланади ва Агентлик томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

21. Талабгор рухсатнома бериш рад этилганлиги, шунингдек, Агентлик мансабдор (ваколатли) шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## 4-боб. Рухсатномани қайта расмийлаштириш, унинг муддатини узайтириш ва ўзгартириш тартиби

22. Рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагач, у талабгор аризасига кўра қўшимча ўн икки ой муддатгача узайтирилиши мумкин. Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза Агентликка мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар топширилиши керак. Рухсатноманинг амал қилиш муддати йиғим ундирилмаган ҳолда узайтирилади.

23. Рухсатнома олган юридик шахслар қайта рўйхатдан ўтганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, беш иш куни давомида Агентликка рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларнинг тасдиқловчи ҳужжатларини илова қилган ҳолда топшириши шарт.

24. Рухсатнома олган жисмоний ва юридик шахслар рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, беш иш куни давомида Агентликка рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

25. Рухсатнома қайта расмийлаштирилгунига қадар уни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган жисмоний ва юридик шахслар ёхуд уларнинг ҳуқуқий вориси рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида Агентликнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни амалга оширади.

26. Рухсатнома қайта расмийлаштирилганда Агентлик томонидан рухсатномалар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Рухсатнома аризага тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, Агентлик томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш куни давомида қайта расмийлаштирилади.

27. Рухсатномани қайта расмийлаштириш учун ариза берувчиларнинг рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси Агентлик томонидан кўриб чиқилганда ва рухсатнома қайта расмийлаштириб берилганда, мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган йиғимнинг ярми ундирилади.

## 5-боб. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва тугатиш

28. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва тугатиш “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32, 33 ва 34-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## 6-боб. Рухсатномалар реестрини юритиш

29. Агентлик рухсатномалар реестрини юритади ва уларни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

30. Рухсатномалар реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

рухсатнома берилган юридик шахслар тўғрисидаги асосий маълумотлар: номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами;

рухсатнома берилган сана ва рақами;

рухсатноманинг амал қилиш муддати;

рухсатномани қайта расмийлаштиришнинг ҳамда амал қилиш муддатини узайтиришнинг асоси ва санаси;

рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиш ва тиклаш учун асос ва сана;

рухсатномани бекор қилишнинг асоси ва санаси;

рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва тугатиш, қайта расмийлаштиришнинг ҳамда бекор қилишнинг асослари ва санаси.

31. Рухсатномалар реестридаги маълумотлар очиқ ҳисобланади ҳамда ушбу реестр “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилган рухсатномалар асосида “реал вақт” режимида шаклланади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

32. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни
ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий
воситаларни олиб кириш учун рухсатнома
олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг рўйхати**

| ТИФ ТН кодлари | Номланиш |
|---|---|
| **Минерал ўғитлар** | |
| *2814 20 000 0 дан<br>*2827 10 000 0 дан<br>*2834 29 800 0 дан<br>3102 дан | Азотли ўғитлар |
| *2510 20 000 0 дан<br>*2835 25 000 0 дан<br>*2835 26 000 0 дан<br>3103 дан | Фосфорли ўғитлар |
| *2827 39 850 0 дан<br>*2833 29 800 0 дан<br>3104 дан | Калийли ўғитлар |
| *2834 21 000 0 дан<br>*2835 24 000 0 дан<br>3105 дан | Таркибида икки ёки учта озуқа моддалари бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар:<br>азот, фосфор ва калий;<br>бошқа ўғитлар;<br>брутто оғирлиги 10 кг дан ошмаган таблетка ёки аналог шаклидаги ёки қадоқланган мазкур гуруҳ товарлари. |
| *2810 00 дан<br>*2827 дан<br>*2833 дан<br>*2840 дан<br>*2841 70 000 0 дан | Микроўғитлар |
| **Ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар** | |
| 2903 39 110 0 | бромметан (метилбромид) |
| 3808 | Чакана савдо учун шакл ёки қадоқларга, тайёр препарат ёки маҳсулотлар сифатида қадоқланган инсектицидлар, родентициддар, фунгицидлар, гербицидлар, ўсимликлар ўсишини бошқарувчи воситалар, дезинфекция воситалари ва уларга аналог воситалар (масалан, олтингугурт билан ишланган денталар, таёқлар ва шамлар, чивин қоғози); |
| | - ушбу товар гуруҳининг 1 субпозициясида кўрсатилган товарлар; |
| 3808 52 000 0 | -- ДДТ (ISO) (клофенотан (INN)), нетто вазни 300 г дан кўп бўлмаган қадоқларда; |

| | |
|---|---|
| 3808 59 000 | -- бошқалар; |
| 3808 59 000 1 | --- таркибида 4,6-динитро-о-крезол (ДНОК (ISO)) ёки унинг тузлари ёки трибутил бирикмалари ёхуд бу моддалар аралашмалари бўлган; |
| | --- бошқалар; |
| 3808 59 000 2 | ---- алдикарб (ISO) ёки пента ва октабромобифенил оддий эфирлари ёки перфтороктансульфон кислотаси ва унинг тузлари, ёки перфтороктансульфонамидлар ёхуд перфтороктансульфонил-флоридларни ўз ичига олган инсектицидлар; |
| 3808 59 000 3 | ---- алахор (ISO) ёки азинофосметил (ISO) ёки эндосульфан (ISO) ўз ичига олган инсектицидлар; |
| 3808 59 000 4 | --- таркибида алахлор (ISO) ёки алдикарб (ISO), азинфосметил (ISO), эндосульфан (ISO), пента ва октабромдифенил оддий эфирлари ёки пентафтороктансульфон кислотаси ва унинг тузлари ёки перфтороктансульфонамидлар ёки перфтороктансульфонил-фторид бўлган фунгицидлар; |
| 3808 59 000 5 | --- таркибида алахлор (ISO) ёки алдикарб (ISO), азинфосметил (ISO), эндосульфан (ISO), пента ва октабромдифенил оддий эфирлари ёки пентафтороктансульфон кислотаси ва унинг тузлари ёки перфтороктансульфонамидлар ва перфтороктансульфонил-фторид бўлган гербицидлар |
| 3808 59 000 8 | --- таркибида алахлор (ISO) ёки алдикарб (ISO), азинфосметил (ISO), эндосульфан (ISO), пента ва октабромдифенил оддий эфирлари ёки пентафтороктансульфон кислотаси ва унинг тузлари, перфтороктансульфонамидлар ёки перфтороктансульфонилфторид бўлган родентицидлар; |
| 3808 59 000 9 | ---- бошқалар; |
| | --- ушбу товар гуруҳининг 2 субпозициясида кўрсатилган товарлар; |
| 3808 61 000 | -- нетто вазни 300 г дан кўп бўлмаган қадоқларда; |
| 3808 61 000 1 | --- таркибида альфа-циперметрин (ISO), бифентрин (ISO), цифлутрин (ISO), дельтаметрин (INN, ISO), этофенпрокс (INN) ёки лямбда-цигалотрин (ISO) бўлган; |
| 3808 61 000 2 | --- таркибида хлорфенапир (ISO) бўлган; |
| 3808 61 000 3 | --- таркибида бендиокарб (ISO), фенитротион (ISO), малатион (ISO), пиримифос-метил (ISO) ёки пропоксур (ISO) бўлган; |
| 3808 62 000 | --- нетто вазни 300 г дан кўп бўлган, лекин 7,5 кг дан кўп бўлмаган қадоқларда: |

| | |
|---|---|
| 3808 62 000 1 | --- таркибида альфа-циперметрин (ISO), бифентрин (ISO), цифлутрин (ISO), дельтаметрин (INN, ISO), этофенпрокс (INN) ёки лямбда-цигалотрин (ISO) бўлган; |
| 3808 62 000 2 | --- таркибида хлорфенапир (ISO) бўлган; |
| 3808 62 000 3 | --- таркибида бендиокарб (ISO), фенитротион (ISO), малатион (ISO), пиримифос-метил (ISO) ёки пропоксур (ISO) бўлган; |
| 3808 69 000 | -- бошқалар; |
| 3808 69 000 1 | --- таркибида альфа-циперметрин (ISO), бифентрин (ISO), цифлутрин (ISO), дельтаметрин (INN, ISO), этофенпрокс (INN) ёки лямбда-цигалотрин (ISO) бўлган; |
| 3808 69 000 2 | --- таркибида хлорфенапир (ISO) бўлган; |
| 3808 69 000 3 | --- таркибида бендиокарб (ISO), фенитротион (ISO), малатион (ISO), пиримифос-метил (ISO) ёки пропоксур (ISO); |
| | --- бошқалар; |
| 3808 91 | --- инсектицидлар: |
| 3808 91 100 0 | --- пиретроидлар асосида |
| 3808 91 200 0 | --- хлорланган углеводородлар асосида |
| 3808 91 300 0 | --- карбаматлар асосида |
| 3808 91 400 0 | --- форфорорганик бирикмалар асосида |
| 3808 91 900 0 | --- бошқалар |
| 3808 92 | --- фунгицидлар: |
| | --- анорганик: |
| 3808 92 100 0 | ---- мис бирикмалари асосида бўлган препаратлар |
| 3808 92 200 0 | ---- бошқалар |
| | --- бошқалар: |
| 3808 92 300 0 | ---- дитиокарбаматлар асосида |
| 3808 92 400 0 | ---- бензимидазоллар асосида |
| 3808 92 500 0 | ---- диазоллар ёки триазоллар асосида |
| 3808 92 600 0 | ---- диазинлар ёки морфолинлар асосида |
| 3808 92 900 0 | ---- бошқалар |
| 3808 93 | -- гербицидлар, унувчаликни тўхтатувчи ва ўсимликлар ўсишни бошқарувчи воситалар: |
| | --- гербицидлар: |

| | |
|---|---|
| 3808 93 110 0 | ---- феноксифитогормонлар асосида |
| 3808 93 130 0 | ---- триазинлар асосида |
| 3808 93 150 0 | ---- амидлар асосида |
| 3808 93 170 0 | ---- карбаматлар асосида |
| 3808 93 210 0 | ---- динитроанилин хосилалари асосида |
| 3808 93 230 0 | ---- карбамид, урацил ёки сульфонилкарбамид хосилалари асосида |
| 3808 93 270 0 | ---- бошқалар |
| 3808 93 300 0 | --- унувчаликни тўхтатувчи воситалар |
| 3808 93 900 0 | --- ўсимликлар ўсишни бошқарувчи воситалар |
| 3808 99 | -- бошқалар: |
| 3808 99 100 0 | --- родентицидлар |
| 3808 99 900 0 | --- бошқалар |

*) Ушбу Низом талаблари ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хомашё сифатида олиб келинадиган маҳсулотларга нисбатан татбиқ этилмайди (техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши бундан мустасно). Бунда талабгор томонидан товарлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарурлиги тўғрисида кафолат хати тақдим этилиши шарт.

Кафолат хатида белгиланган талабларга риоя этилиши ва маҳсулотлардан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун фойдаланилиши бўйича жавобгарлик тадбиркорлик субъекти зиммасига юкланади.

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун рухсатнома олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун рухсатнома бериш**

**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Талабгор (жисмоний ва юридик шахслар) | Рухсатномани олиш учун талабгорлар томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига бевосита “Ягона дарча” тамойили асосида Низом билан белгиланган шаклга мувофиқ ариза ва талаб этиладиган барча ҳужжатлар ҳамда маълумотлар тақдим этилади. | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш режалаштирилган кундан камида 30 кун аввал |
| 2-босқич | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги | 1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ариза кўриб чиқилиши учун талабгордан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.<br>2. Талабгорнинг рухсатнома олиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилади.<br>3. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича рухсатнома расмийлаштириш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.<br>4. Агентликнинг қарори билан расмийлаштирилган рухсатнома ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ҳақидаги хабарни талабгорга ААТ орқали электрон шаклда юборади. | 5 иш куни давомида |

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя
қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни
олиб кириш учун рухсатнома олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

# Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:** | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома |
| **2.** | **Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):** | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш |
| **3.** | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Жисмоний ва юридик шахслар (талабгор) |
| **4.** | **Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:** | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги |
| **5.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:** | Рухсатномани олиш учун минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш режалаштирилган кундан камида 30 кун аввал* талабгор томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:<br>а) ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:<br>талабгорлар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳақидаги маълумотлар (жисмоний ва юридик шахслар) номи, рақами, берилган кун, ой, йил);<br>СТИР рақами;<br>олиб кириш мақсади (савдо/ўз эҳтиёжи учун);<br>ТИФ ТН коди;<br>маҳсулотнинг савдо номи;<br>фаол модда ва нисбати;<br>ишлаб чиқариш санаси;<br>яроқлилик муддати;<br>физик хоссаси;<br>рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома рақами;<br>миқдори ва лот (партия) рақами;<br>қадоқ тури ва хажми;<br>кафолатнома (минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг оригинал спецификацияси ҳамда махфий таркибига мувофиқ кафолатли ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида ишлаб чиқарувчи |

| | | |
|---|---|---|
| | | томонидан бериладиган ҳужжат) ва таржимаси мавжудлиги;<br>маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакат;<br>ишлаб чиқарувчи ташкилий номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва бошқа реквизитлари;<br>олиб кириладиган божхона пости номи;<br>транспорт тури.<br>б) экспорт қилувчининг мувофиқлик сертификати ва таржимаси;<br>в) кафолатнома (минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг оригинал спецификацияси ҳамда махфий таркибига мувофиқ кафолатли ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида ишлаб чиқарувчи томонидан бериладиган ҳужжат) ва таржимаси;<br>г) олиб кириладиган кимёвий воситаларнинг спецификацияси. |
| **6.** | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари |
| **7.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим миқдори:** | Ундирилмайди |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддати:** | 5 иш куни |
| **9.** | **Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:** | а) рухсатноманинг амал қилиш муддатида, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар олиб кирилмаган тақдирда, талабгор томонидан рухсатнома олиш учун қайта ариза берилади*;<br>б) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлиш (ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётан ҳолатлар бундан мустасно);<br>в) олиб кириладиган маҳсулотининг яроқлилик муддати маҳсулотнинг республикага кириб келиш вақтида олти ойдан кам бўлмаслиги шарт;<br>г) минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёпиқ ва изотермик, ташишга яроқли ва пломбаланган транспортда олиб кирилиши лозим*;<br>д) ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, шу жумладан, мазкур Низомга, минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни сақлаш, ташиш, ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш қоидаларига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ёмонлашувига ва атроф-муҳит ифлослантирилишига йўл қўймаслик;<br>е) минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш тўғрисидаги ахборотга риоя этиши; |

| | | |
|---|---|---|
| | | ж) яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни ҳамда уларнинг идишларини зарарсизлантиришга, утилизация қилишга, кўмиб ташлашга ва йўқ қилишга доир талабларга риоя этиш;<br>з) ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан ўз ваколати доирасида берилган зарур кўрсатмаларни бажариш, ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилиш ҳолатлари аниқланганда, белгиланган чекловлар ва кўрсатмаларга риоя қилиш;<br>и) Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни халқаро стандарт талабларига, савдо шартномаларида (битимларида) назарда тутилган шартларга жавоб беришига эришиш;<br>к) Ўзбекистон Республикасига экспорт қилувчи мамлакатлардан олиб кирилиши режалаштирилаётган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган ғайриқонуний нусхаларининг олди-сотдисини амалга оширмаслик ҳамда кириб келиш хавфининг олдини олиш;<br>л) рухсатномани бериш натижасида ҳаракатларни ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларига ҳамда уларнинг яшаш муҳитига хавф солмаслик чораларини кўриш;<br>м) минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш вақтида рухсатнома талабларига мувофиқлиги юзасидан кўрикдан ўтказиш;<br>н минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда рухсатнома талабларига амал қилиш;<br>о) минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни хорижий мамлакатлардан қўл юки ёки багажда олиб кириш, почта жўнатмаларида юбориш, шунингдек бошқа юк билан олиб ўтиш тақиқланади*. Бунда тажриба-синов учун рухсатнома асосида почта жўнатмаларида юбориш мумкин. |
| **10.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:** | Мавжуд эмас |
| **11.** | **Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:** | Ўн икки ой |
| **12.** | **Изоҳ:** | **Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя
қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни
олиб кириш учун рухсатнома олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси**

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги**
**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги**

**Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш учун**

## РУХСАТНОМА

____-сон                                                                                    сана

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Рухсатнома берилган жисмоний ва юридик шахснинг номи | | | | |
| СТИР рақами | | | | |
| Рухсатноманинг амал қилиш муддати | | | | |
| 1. | ТИФ ТН коди | 1. | 2. | ... |
| 2. | Маҳсулот савдо номи | 1. | 2. | ... |
| 3. | Фаол модда ва нисбати | 1. | 2. | ... |
| 4. | Ишлаб чиқарилган санаси | 1. | 2. | ... |
| 5. | Яроқлилик муддати | маҳсулотни республикага кириб келиш вақтида олти ойдан кам бўлмаслиги шарт! | | |
| 6. | Физик хоссаси | 1. | 2. | ... |
| 7. | Рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома рақами санаси | 1. | 2. | ... |
| 8. | Миқдори | 1. | 2. | ... |
| 9. | Қадоқнинг хажми | 1. | 2. | ... |
| 10. | Маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакат | 1. | 2. | ... |
| 11. | Ишлаб чиқарувчи корхона номи, манзили, алоқа рақамлари | | | |
| 12. | Олиб кириладиган ТИФ божхона пости номи | | | |
| 13. | Олиб кириладиган маҳсулотлар QR-кодланган бўлиши талаб этилади. (QR-код ҳаволаси (xml форматида) Агентликка тақдим этилиши лозим.) | | | |

Ҳужжатларнинг
ҳақиқийлигини
тасдиқловчи
**QR-код**

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 5 августдаги 481-сон қарорига
2-илова

# Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда қонунчиликда белгиланган талаб ва шартларга риоя этилганлигини кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ААТ** – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими;

**Агентлик** – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги;

**кўрик далолатномаси** – ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши белгиланган минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар (кейинги ўринларда – минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар)нинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган кўрик натижасида расмийлаштириладиган ҳужжат;

**рухсатнома** – Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга рухсатнома олиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга Агентлик томонидан рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**хабар берувчи** – минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш вақтида уларнинг рухсатнома талабларига мувофиқлиги юзасидан кўрикдан ўтказиш учун мурожаат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар;

**ўсимликлар карантини давлат инспектори** – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар)нинг, туман (шаҳар) ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимлари (кейинги ўринларда – туман/шаҳар бўлимлари)нинг агрономлари,

ўсимликлар карантини бўйича ташқи иқтисодий фаолият чегара пунктларидаги, ўсимликлар карантини бўйича давлатлараро чегара пунктларидаги, республика ички автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктларининг, шунингдек, почтамтдаги ўсимликлар карантини пунктининг мудирлари ҳамда агрономлари.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши белгиланган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар қонунчилик талабларига мувофиқлиги юзасидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага асосан кўрикдан ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни олиб кириш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган қоида ҳамда тартибларга, мазкур воситалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва атроф-муҳитга салбий таъсири юзасидан назорат ўрнатилган тартибда риоя этилилади.

## 2-боб. Дастлабки кўрикдан ўтказиш

5. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар Ўзбекистон Республикасига олиб кириш вақтида дастлабки кўрикдан ўтказилади.

6. Кўрикдан ўтказиш учун хабар берувчи томонидан минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни олиб киришдан камида уч иш куни олдин Агентликка ушбу Низомга 2-иловадаги шаклга мувофиқ ААТ орқали электрон хабар берилади.

7. Ўзбекистон Республикасига минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар Агентлик томонидан берилган рухсатнома асосида олиб кирилади.

8. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар юкланган транспорт воситалари чегара масканларида ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан дастлабки кўрикдан ўтказилади.

9. Ўзбекистон Республикаси чегара ўтказиш пунктларида дастлабки кўрик жараёнида транспорт воситалари ва уларнинг юк хоналари (махсус пломбаланган юкхоналар бундан мустасно) ўсимликлар карантини давлат инспектори талабига биноан, ушбу транспорт воситаларидаги ҳайдовчилар ёки юк эгалари иштирокида очиб кўрилади.

10. Ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан чегара масканларида дастлабки кўрик ўтказишда рухсатноманинг мавжудлиги, амал қилиш муддати ААТ орқали текширилади, шунингдек, транспорт воситаларининг ташқи қисми, муҳрланмаган бошқа кимёвий воситаларни яширин олиб кириши мумкин бўлган жойлар визуал кўрикдан ўтказилади.

Ўсимликлар карантини давлат инспектори кўрик натижаси ижобий бўлганда, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни республика ҳудудига чегара ўтказиш пункти орқали олиб киришга рухсат беради ҳамда ААТда шу ҳақда белги қўяди.

11. Кўрик натижасида рухсатнома мавжуд бўлмаган ёки унинг амал қилиш муддати ўтганлиги ёхуд минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг яширин равишда олиб кирилаётганлиги аниқланган тақдирда, ушбу воситалар ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан реэкспорт тартибида олиб чиқиб кетилишига оид икки нусхада далолатнома тузилади.

Далолатноманинг бир нусхаси минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни олиб кирувчи юридик шахс вакили ёки жисмоний шахсга (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчига) берилади, иккинчи нусхаси ўсимликлар карантини давлат инспекторида қолади. Далолатнома тузилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида Агентликка ААТ орқали хабар берилади.

12. Ўзбекистон Республикасига минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни олиб киришда божхона органи билан келишилган хавфни бошқариш тизими орқали улар тасодифий танлов асосида иккиламчи кўрикдан ўтказилади.

## 3-боб. Иккиламчи кўрикдан ўтказиш

13. Иккиламчи кўрик:

ўсимликларни ҳимоя қилиш ва бошқа қонунчиликни бузганлик тўғрисидаги мавжуд ахборотни текшириш учун;

танлаб текшириш принципига риоя этган ҳолда хавфни бошқариш тизими асосида ўтказилади.

Бунда дастлабки кўрик давомида ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан иккиламчи кўрик ўтказиш хулосаси қабул қилинади.

14. Иккиламчи кўрик ўтказиш бўйича хулоса қабул қилинган вақтдан бошлаб, бир иш кунида хабар берувчи ААТ орқали базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўловни амалга оширган ҳолда, юкни божхона назорати остидаги омборга жойлаштириб, ўсимликлар карантини давлат инспекторини иккиламчи кўрикка жалб этиши шарт.

15. Хабар берувчининг ААТ орқали минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни иккиламчи кўрикдан ўтказиш бўйича юборган мурожаати ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади ҳамда ушбу Низомга 3-иловадаги шаклга мувофиқ кўрик далолатномаси расмийлаштирилади.

16. Кўрик далолатномаси минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолашга асос бўлади.

17. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳоланиши қуйидаги ҳолатларда рад этилади ва хабар берувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан республика ҳудудидан реэкспорт тартибида олиб чиқиб кетилиши таъминланади:

рўйхатга олинган гувоҳномада кўрсатилган қўллаш доираси минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнининг ўрам-қути ва ёрлиғидаги матнга мос келмаса;

талабгор томонидан ҳар бир қадоғига QR-код қўйилмаганда;

импорт қилиниши режалаштирилган маҳсулотни Ўзбекистон Республикасига кириб келган даврдан яроқлилик муддати олти ойдан кам бўлганда;

лаборатория экспертизаси хулосасида давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳномада белгиланган таркибга номувофиқ деб баҳоланганда.

Ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларда минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг импорти рад этилишига йўл қўйилмайди.

18. Белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш органи мутахассиси томонидан талабгор (ёки унинг вакили) ҳамда ўсимликлар карантини давлат инспектори иштирокида минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг мувофиқлигини баҳолаш учун белгиланган тартибда ва белгиланган миқдорда намуна олади ва синов лабораториясига юборади.

19. Синов лабораториясида минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига ҳамда рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳномада белгиланган таркибга мувофиқлиги баҳоланади.

Лаборатория экспертизаси талаб этиладиган муддат қўлланмаларда белгиланади.

20. Мазкур Низомнинг 17-бандида кузатилган ҳолатларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилиши таъминланмаган тақдирда, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан реэкспорт тартибида олиб чиқиб кетилишига оид икки нусхада далолатнома тузилади.

## 4-боб. Матрик штрихли код билан бошқариш

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минерал ўғитларни ва кимёвий воситаларни олиб кириш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш матрик штрихли код (кейинги ўринларда – QR-код) билан бошқарилади.

22. Олиб кириладиган минерал ўғитларни ва кимёвий воситалар QR-кодланган бўлиши талаб этилади. Бунда QR-код ҳаволаси (xml форматида) Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига тақдим этилади.

23. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларда ўтказилган кўрикда QR-код қўйилмаганлиги (ёки тўлиқ қўйилмаганлиги) аниқланганда, хабар берувчига QR-код қўйиш бўйича ўттиз кун муддат берилади.

24. Хабар берувчи QR-код ҳаволасини Агентликдан олади ва маҳсулотнинг ҳар бир қадоғига қўйилишини таъминлайди. Мазкур Низомнинг 23-банди билан белгиланган ўттиз кун муддат ичида ушбу амалиёт бажарилмагани олиб киришнинг тўлиқ рад этилишига сабаб бўлади.

**5-боб. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни ўрганиш ҳамда таҳлил ишларини амалга ошириш**

25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни олиб кириш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган қоида ҳамда тартибларга риоя этилиши, мазкур воситалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва атроф-муҳитга салбий таъсири юзасидан ўрганиш ҳамда таҳлилий ишлар бевосита Агентлик томонидан ташкил этилади.

26. Агентлик томонидан ўрганиш ҳамда таҳлилий ишлар амалга оширилишида санитария-эпидемиологик ва экологик хавфсизлик юзасидан назорат талаб этилган тақдирда, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси органлари мансабдор шахслари жалб қилиниши мумкин.

27. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бўйича ўрганиш ҳамда таҳлил ишлари қуйидаги жойларда амалга оширилади:

Ўсимликлар карантини чегара масканларида;

божхона омборлари;

улгуржи ва чакана савдо объектларида (савдо расталари ва омборлар);

истеъмолчи омборларида.

28. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда туман/шаҳар бўлимларининг ўсимликлар карантини давлат инспектор(лар)и томонидан минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бўйича ўрганиш ва таҳлил ишлари давомида қуйидагилар текширилади:

а) рўйхатга олинганлиги;

б) таркиби, физик-кимёвий хусусиятлари ва сифатлилик даражаси;

в) маркировкаси маҳсулотни таснифлаш, қадоқлаш ва маркировкалаш тўғрисидаги талабларга мувофиқлиги;

г) яроқлилик муддати;

д) тавсия этилган ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларига ножўя таъсири;

е) тавсия этилган зарарли организмларга нисбатан самарасизлиги ёки самарадорлиги паст ҳолатлари.

29. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалардан қуйидагиларни аниқлашда таҳлил ишлари учун намуналар олинади:

таркиби, физик-кимёвий хусусиятлари ва сифатлилик даражаси;

тавсия этилган ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларига ножўя таъсири;

самарадорлиги.

30. Намуналар ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан белгиланган миқдорда олинади ва 4-иловадаги шаклга асосан уч нусхада намуна олиш тўғрисидаги далолатнома тузилади.

Далолатноманинг бир нусхаси ўсимликлар карантини давлат инспекторида, бир нусхаси аккредитациядан ўтган лабораторияга ҳамда бир нусхаси намуна олинган жойнинг масъул ходимига берилади.

31. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар ёрлиғи (маркировкаси) назоратдан ўтказилганда, ёрлиғи маҳсулотни таснифлаш, қадоқлаш ва маркировкалаш тўғрисидаги талабларга жавоб бермаган тақдирда, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалардан мажбурий тартибда икки нусхадан намуна олинади, қўшимча тарзда 5-иловадаги шакл бўйича “Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар ёрлиғи (маркировкаси) назорати далолатномаси” расмийлаштирилади.

32. Назорат мақсадида минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг лаборатория таҳлиллари фақатгина мазкур соҳада аккредитациядан ўтган лаборатория томонидан амалга оширилади.

33. Минерал ўғитларнинг сифати уларнинг рўйхатга олинганлик гувоҳномасида белгиланган таркиб ва хоссалари (техник стандарт ва/ёки анализ сертификати)га мувофиқлиги бўйича аниқланади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг сифатини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида ўтказилган физик-кимёвий таҳлилларда 6-иловада кўрсатилган хусусиятлар аниқланади.

34. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг сифатини ўрганиш (таҳлил қилиш) давомийлиги таҳлил ўтказиш услубларига мувофиқ белгиланади.

35. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг сифатини назорат қилиш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари бўйича ҳисоботлар уч кундан кечиктирмай 7-иловалардаги шакллар асосида Агентликка юборилади.

36. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сифатини назорат қилиш бўйича ўтказиладиган лаборатория таҳлиллари натижаларида фаол моддалар миқдорида аниқланган кўрсаткичлар сифатни назорат қилиш мақсадида таҳлил қилинган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларга тааллуқли фаол моддалар миқдоридаги фарқлар мазкур Низомга 8-иловадаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 мартдлаги 115-сон қарори билан тасдиқланган Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга 13-иловадаги рухсат этилган салбий оғиши доирасида бўлишига йўл қўйилади.

37. Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг физик хоссаларида рухсат этилган салбий оғишини қўллаш мезонларида Низомга 9-иловага мувофиқ тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалигида назорат қилиш учун ишлатиладиган ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар бўйича рўйхатдан ўтган фаол модданинг тозалиги инобатга олинади.

Ўрганиш давомида ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсири мавжудлиги аниқланса, Агентлик томонидан маҳсулотни фойдаланишдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

38. Импорт қилиниши рад этилган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар уч ой муддатгача реэкспорт тартибида олиб чиқиб кетилиши шарт.

39. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бўйича лаборатория текширувлари, тегишли экспертиза ўтказиш, QR-код ишлаб чиқариш ёки юклаш ва ҳар бир воситанинг қадоғига QR-код қўйиш билан боғлиқ ҳамда реэкспорт тартибида олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ харажатлар хабар берувчи ҳисобидан қопланади.

40. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади

41. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришда кўрикдан ўтказиш**

**СХЕМАСИ**

| Босқичлар муддати | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Хабар берувчи (Жисмоний ва юридик шахслар) | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига бевосита автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) орқали белгиланган шаклга мувофиқ хабар беради. | Минерал ўғитларни ва кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришдан камида 3 иш куни олдин |
| 2-босқич | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги | 1. Жисмоний ва юридик шахснинг хабарини кўриб чиқади.<br>2. Хабарни тааллуқли ўсимликлар карантини давлат инспекторига юборади.<br>3. Ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан кўрикдан ўтказиш, лаборатория таҳлиллари учун намуналар олинади.<br>4. Кўрик далолатномасини расмийлаштиради ва тақдим қилади. | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар қайд этилган божхона пунктига келиб тушган санадан бошлаб 3 иш куни ичида* |

*) *Лаборатория таҳлиллари ўтказилишига ҳамда QR-код қўйилишига талаб этиладиган муддатга қараб, бажариш 30 кунгача бўлган муддатгача ўзгариши мумкин.*

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш
учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни
Ўзбекистон Республикасига олиб киришда
кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар олиб кирилиши учун олдиндан хабар бериш шакли**

Олдиндан хабарнома санаси: 20__ й. “___” __________.

| |
|---|
| (1) Жисмоний шахс ёки юридик шахс номи: ___________ |
| (2) Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун берилган рухсатнома рақами ва санаси: _______ |
| (3) олиб кирилиши қайд этилган пункт номи: __________ |
| (4) Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг савдо номи: __________ |
| (5) Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни рўйхатдан ўтказиш рақами: __________ |
| (6) Олиб кириладиган минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг QR-код ҳаволаси* (xml форматида) __________ |

**Агар мавжуд бўлса.*

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

0000000 — сон
**КЎРИК ДАЛОЛАТНОМАСИ**

______________ ўсимликлар карантини давлат инспектори _________________ томонидан,
(худудий бўлинма номи) (Ф.И.О.)

20___йил «____» ________да хабар берувчи вакили ____________________
(Ф.И.О)

иштирокида ____________________________________________________________________
(юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор номи)

СТИР/ЖШШИР: ____________________да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан кўрикдан ўтказилди.

Кўрик давомида қуйидагилар аниқланди (тегишлиси белгиланади!):

□ 1. Мувофиқлигини баҳолашдан ўтказишга лойиқ.

□ 2. Мувофиқлигини баҳолашдан ўтказишга нолойиқ (қуйидаги сабаблар кўрсатилган ҳолда!):

□ рўйхатга олинган гувоҳномада кўрсатилган қўллаш доираси минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнининг ўрам-қути ва ёрлиғидаги матнга мос эмас;

□ маҳсулот қадоғида QR-код қўйилмаган (ёки тўлиқ қўйилмаган)*;

□ яроқлилик муддати олти ойдан кам;

□ лаборатория экспертизаси хулосаси давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳномада белгиланган таркибга номувофиқ деб баҳоланган.

* Маҳсулот қадоғида QR-код қўйилмаганлиги (ёки тўлиқ қўйилмаганлиги) аниқланганда, хабар берувчига QR-код қўйиш бўйича ўттиз кун муддат берилади. Талабгор томонидан белгиланган муддат ичида ижроси таъминланмаса, автоматик равишда далолатнома расмийлаштириб, божхона расмийлаштирувини эркин муомалага чиқариш рад этилади.

| |
|---|
| Ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи **QR-код** |

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалардан намуна олиш**
**далолатномаси**

Намуна олиш куни: 20__ й. “__” _________.
Миқдори: ___________ сони.

| | | |
|---|---|---|
| (1) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар намунаси олинди | Вилоят номи | |
| | Туман номи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| (2) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар намунаси олинган жой | Дилер | Божхона омбори | Бошқа |
| | ☐ | ☐ | ☐ |
| (3) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар намунаси олинган жойнинг манзили | | | |
| (4) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар намунасини олиш сабаби | Савдо назорати | Шикоятларни ўрганиш | Бошқа (контрабанда, сохта ва бошқалар) |
| | ☐ | ☐ | ☐ |

| | | | |
|---|---|---|---|
| (5) намуна олинган минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар | номи | | |
| | актив моддаси | | |
| | гуруҳи | | |
| | ишлаб чиқарувчиси | | |
| | ишлаб чиқариш/импорт | Ишлаб чиқариш ☐ | импорт ☐ |
| | Ишлаб чиқариш санаси | | |
| | Лот (партия рақами) | | |
| | Миқдори (кг/л) | | |
| | Намуна олинган жойда минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг жорий миқдори (кг/л) | | |

Юқорида келтирилган маълумотларни ўз ичига олган минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар текширилди ва намуналари сақлаш шароитлари нормал бўлган жойдан ва минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг асл қадоғидан олинди ва махсус полиэтилен пакетига солинган, муҳрланган ҳолда 20__ йил “____” ______ куни олинди.

Ушбу далолатнома уч нусхада тузилди ва қуйидаги таркиб томонидан имзоланди.

<table>
<tr><td>Намуна олинган жойдаги орган дилер/ишлаб чиқарувчи/шикоят қилувчи/бошқа</td><td colspan="2">Намуна олган таркиб</td></tr>
<tr><td>фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо</td><td>фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо</td><td>фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо</td></tr>
</table>

*Изоҳ: Агар намуна олишда иштирок этган шахслардан бири имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳақдаги маълумот далолатномада қайд этилади.*

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар ёрлиғини (маркировкасини) назорат қилиш далолатномаси**

Намуна олиш куни: 20__ й. “___” _________.
Миқдори: ___________ сони.

| | | |
|---|---|---|
| (1) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар намунаси олинди | Вилоят номи | |
| | Туман номи | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| (2) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар намунаси олинган жой | Дилер | Ишлаб чиқарувчи | Божхона | Бошқа |
| | ☐ | ☐ | ☐ | ☐ |
| (3) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар намунаси олинган жойнинг манзили | | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| (4) Ёрлиқларни назорат қилиш учун намуна олинган минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар | Номи | | |
| | Фаол моддаси ва таркиби (ўғитлар учун) | | |
| | Гуруҳ | | |
| | Ишлаб чиқарувчи номи | | |
| | Ишлаб чиқариш ☐ | импорт ☐ | |
| | Ишлаб чиқариш санаси | | |
| | Лот (партия рақами) | | |
| | Нетто вазни | | |

| | |
|---|---|
| (5) аниқланган камчиликлар ёки камчиликларни ўз ичига олган тушунтиришлар | |

Ёрлиқларни назорат қилиш мақсадида 20__ йил “____” _______ куни ________________________манзилда жойлашган манзилдан юқоридаги маълумотлар билан минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг ёрлиғи ва қадоқланиши текширилгандан сўнг очилмаган асл қадоқдан белгиланган тартибда олинган иккита намуна полиэтилен пакетларга солинган ва ёпилиб муҳрланган.

Ушбу ҳисобот тўрт нусхада тузилди ва қуйидаги таркиб томонидан имзоланди.

| Намуна олинган жойдаги орган дилер/ишлаб чиқарувчи/ шикоятчи/бошқа | Намуна олган таркиб | |
|---|---|---|
| фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо | фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо | фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо |

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя
қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий
воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб
киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**Сифат назоратида ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг физик ва кимёвий таҳлилида аниқланадиган хусусиятлар**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Ишлаб чиқариш шакли | |
| 2. | Ташқи кўриниши (ранги, ҳиди, жисмоний ҳолати) | |
| 3. | Формуланинг таркиби | Фаол модда миқдори (% соф фаол модданинг эквиваленти, суюқликда г/л, қаттиқ моддаларда % фаол модда, тегишли қиймат, микроорганизмларда масалан cfu/g, cfu/ml, IU) |
| | | Тўлдирувчи ва ёрдамчи моддалар (умумий номлари ва миқдори) |
| 4. | Кислоталилик, ишқорийлик pH | |
| 5. | Майдалаш даражаси (кукун, чанг уруғи, WP, гранулалар ва SP, SC, WG формулалари учун) | |
| 6. | Солиштирма оғирлиги (суюқ таркибли воситалар учун) | |
| 7. | Ёниш нуқтаси (суюқ таркибли воситалар учун, таркибида сув бор воситалар бундан мустасно) | |
| 8. | Оғирлиги литрда (кукун, кукунли уруғ, гранула ва паллетлар учун) | |
| 9. | Сув дисперсияси (гранула ва пеллетлар учун) | |
| 10. | Оқим қобилияти (оқувчанлик) (кукун, кукунли уруғ учун) | |
| 11. | Ёпишқоқлик қобилияти (чанг, чанг уруғи, WP, WG формулалари учун) | |
| 12. | Эрувчанлиги (SP таркиблилар учун) | |
| 13. | Тўхтатиб туриш қобилияти (SC и WP, WG таркиблар учун), | |
| 14. | Стабиллик (EC, SL қишки ва ёзги ёғлар таркиблари учун), | |
| 15. | Сақлаш қобилияти | Совуқ синов (суюқ таркиблилар учун), |
| | | Ҳарорат барқарорлиги (суюқ таркиблар учун), |
| | | Ёпишқоқлик (SC, ULV қиш ва ёз ёғи таркиблилар учун), |
| | | Намликни сақлаш (чанг, чанг уруғи, WP, WG формулалари учун), |
| 16. | Дистилляция даражаси (ёзги мойлар) | |
| 17. | Учувчанлик (қишки мойлар) | |
| 18. | Олтингугуртсиз қолдиқ миқдори (ёзги ва қишки мойлар учун) | |
| 19. | Ўлчами (таблетка, гранула, фумигантлар, стриплар учун) | |
| 20. | Ранг бериш хусусияти (уруғларни пестицидлари учун) | |
| 21. | Ўртача заррача оғирлиги ва якуний маҳсулотнинг ўлчами ва вазн тақсимоти (гранула шаклдагилар учун) | |

**Изоҳ:** WP – с.э. – сувли эритма;
SP – н.кук - намланувчи кукун;
WG – с.э.г. - сувда эрувчан гранула;
EC – эм.к. - эмулсия кон;
SL – с.э.сус. – сувда эрувчан суспензия;
SC – сус.к. – суспензия концентрати.

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

**Ҳудудий бўлинманинг минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар сифатини назорат қилиш бўйича ўтказилган ўрганиш ҳисоботи**

| | | |
|---|---|---|
| Таҳлил ҳисоботи | Тартиб рақами | |
| | санаси | |

| | | |
|---|---|---|
| Сифатни назорат қилиш таҳлили ўтказилган минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар | Номи | |
| | Фаол моддаси | |
| | Гуруҳ | |
| | Ишлаб чиқариш/ импорт | |
| | Ишлаб чиқарувчи номи | |
| Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар маҳсулоти намунаси | Рўйхатга олиш санаси | |
| | Назорат ўтказиш вақти | |
| | Ишлаб чиқариш санаси | |
| | Лот (партия рақами) | |

| | | |
|---|---|---|
| Намуна юборган тузилма номи | | |
| Таҳлил учун юборилган хат | санаси | |
| | тартиб рақами | |
| Таҳлил ўтказиш сабаби | | |

**ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ**

**А) кимёвий таҳлил**

| *Аниқланган қийматлар | ** белгиланган меъёр |
|---|---|
| | |

**Б) физик таҳлил**

| *Аниқланган қийматлар | ** белгиланган меъёр |
|---|---|
| | |

**ТАҲЛИЛ ЎТКАЗГАН ШАХСЛАР**

| Бўлим бошлиғи | Техник ходимлар | Техник ходимлар |
|---|---|---|
| фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо | фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо | фамилияси, исми, отасининг исми<br>лавозими<br>имзо |

ТАСДИҚЛАНГАН
.../..../.......
(Имзо муҳри)
Вилоят/туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси/бўлими

** минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар формуласини ҳисобга олган холда, тегишли чоралар кўришни талаб қилади.*
*** Бу Агентлик томонидан рўйхатга олинган таркиб қийматлари.*

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя
қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий
воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб
киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

**Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар фаол моддасининг рухсат этилган салбий оғишлари жадвали**

| **Фаол модда миқдори г/кг ёки г/л (20 ±2 °C)** | **Рухсат этилган оғишлар** |
|---|---|
| 25 гача (шу жумладан 25) | Суюқ таркиблиларга нисбатан актив модданинг +/- 15% миқдори (EC, SC, SL ва бшқ.)<br>Қаттиқ таркиблиларга нисбатан актив модданинг +/- 25% миқдори |
| 25-100 оралиғида (25 дан ташқари, 100 инобатга олинади) | фаол модда миқдорининг +/- 10% |
| 100-250 оралиғида (100 дан ташқари, 250 инобатга олинади) | фаол модда миқдорининг +/- 6% |
| 250-500 оралиғида (250 дан ташқари, 500 инобатга олинади) | фаол модда миқдорининг +/- 10% |
| 500 дан ортиқ (500 дан ташқари) | +/- 25 г/л ёки г/кг |

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

**Сифатни назорат қилишда ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг физик хоссаларида рухсат этилган салбий оғиши бўйича мезонлари жадвали**

| Физик хусусиятлар | Тушунтириш | Мезонлар |
|---|---|---|
| Ташқи кўриниши (кукун, WP) | Тайёр ҳолатда | Фаол модданинг тарқалиши бир хил эмас (гомоген эмас), ёки бир оз ифлосланган, дори билан ифлосланган, қуюқлашган ёки қотиб қолган |
| Ташқи кўриниши (эмульсия, эритма, ULV) | Тайёр ҳолатда | Бироз (ажралган) сегрегацияланган, озгина чўкма хосил қилган, бироз лойқалик ёки ажралган, чўкма хосил қилган, лойқаланган, кристалланган |
| Ташқи кўриниши (эмульсия, эритма, ULV) | Иссиқ синовдан сўнг | Газ, чўкма ёки лойқалик ҳосил бўлиши |
| Ташқи кўриниши (эмульсия, эритма, ULV) | Совуқ синовдан сўнг | Оз миқдорда конвертацияланадиган қолдиқ ёки қайтмас қолдиқ, лойқалик ёки кристалланиш |
| Ташқи кўриниши (минерал мойлар) | Тайёр холатда | Камида 2% гача ажратиш |
| Майдалилик (кукун) | 149 микронли элак (100 талик элак) | 2% |
| | 74 микронли элак (200 талик элак) | 2% |
| Майдалилик (WP) фунгицидларда | 44 микронли элак (325 талик элак ) | 2% |
| Литр оғирлиги | Норма: 500-700 г/л | +/-25 |
| Литр оғирлиги (учувчан моддаларда) | Норма: 500-700 г/л | +/-25 ва ундан юқори |
| Ҳажмий зичлиги | Норма: 60 дан юқори эмас | +5 ва ундан юқори |
| Суспензия хусусияти | Норма: 50% | -50% ва ундан юқори |
| Солиштирма оғирлиги | Намуна белгиланган қийматдан (±0,05 толерантлик) | +/- 0,05 ва ундан юқори |
| Ўт олиш нуқтаси (точка возгорания) | Меъёр: намуна қиймати 22,8°С дан паст бўлмаслиги | +/- 5 $^{0}$ С |
| Эмульсия барқарорлиги | Ре-эмульсия бўлмаганларда | 2 $cm^3$ ва ундан юқори |
| | Ре-эмульсия бўлганларда | 2 $cm^3$ ва ундан юқори |

| | | |
|---|---|---|
| Сульфатланмаган қолдиқлар | Ёзги мойлар | 92% дан паст |
| | Қишқи мойлар | 65% дан паст |
| Дистилляция | 5°С ҳароратдан юқори ва паст даражалари толерантлик | +/- 3 °С дан юқори |
| Ўзгарувчанлик (volatility) | 350 °С ҳароратда дистилланагн қисми (ҳажм бўйича) | |
| Сувда эримайдиган моддалар микдори (SP, SG) | Фаол модда микдори < 20% кичик ва 10% гача; 80% дан кичик 25% гача бўлиши норма | - 5% дан юқори |
| Тутқичлар учун | Рўйхатга олинган таркиб, ранг, шакл ва ўлчамлар асос қилиб олинади | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил "5" август даги 481-сон қарорига
3-илова

# Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом сифатсиз, қалбакилаштирилган ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар (кейинги ўринларда – минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар) ва уларнинг ғайриқонуний нусхалари, шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилишда зарарли таъсири аниқланган воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш тартибини белгилайди.

2. Минерал ўғитларни ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш тартиби ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**сифатсиз минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар** – қўллашга яроқсиз бўлган ва (ёки) яроқлилик муддати ўтган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар;

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг ғайриқонуний нусхалари** – интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар;

**қалбакилаштирилган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар** – таркиби ёки хусусияти тўғрисида ёхуд ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон ахборот илова қилинган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар;

**чиқиндиларни утилизация қилиш** – чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндилардан иккиламчи хомашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар мулк эгаларининг ёки суднинг қарори билан муомаладан чиқарилади ҳамда йўқ қилинади.

Бунда мулк эгаси томонидан қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар аниқланганда, уларни зудлик билан муомаладан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади ва ўттиз кун ичида йўқ қилиш чораси кўрилади. Муомаладан чиқариш ва йўқ қилишга оид суд қарори қабул қилинганда, қарор талаблари асосида иш юритилади.

5. Божхона ҳудудида божхона расмийлаштирувлари давомида ёки лаборатория текширувлари натижасида олиб кириш режалаштирилган минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг қўллашга яроқсизлиги аниқланганда, ушбу воситалар Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигида белгиланган тартибда экспорт қилувчи мамлакатга қайтариб юборилади.

6. Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни қайтариб юбориш ҳамда йўқ қилиш билан боғлиқ харажатлар уларнинг эгалари маблағлари ҳисобидан қопланади.

## 2-боб. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш усуллари

7. Суюқ минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар экология нормалари ва санитария қоидалари ва талабларига мувофиқ йўқ қилинади.

8. Бўшаган идишлар, аэрозол баллонлар, пакетлар ва флакон қолдиқлари контейнерларга жойлаштирилади ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш талабларига мувофиқ йўқ қилинади.

9. Таркибида сувда эримайдиган моддалар мавжуд бўлган қаттиқ минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг шакллари, юмшоқ минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг шакллари, воситаларнинг трансдермал шакллари, шунингдек, субстанциялар фаолсизлантирилиб, махсус контейнерларга жойланади ҳамда чиқиндилар учун мўлжалланган махсус жойга ташланади.

10. Таркибида тирик организмлар мавжуд кимёвий воситалар олдин дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида фаолсизлантирилиб, юқори босим ва ҳарорат таъсирида уларнинг ҳужайралари парчаланади ҳамда чиқиндилар учун мўлжалланган махсус жойга ташланади.

11. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар уларнинг физик ҳамда кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда утилизация ёки йўқ қилинади.

12. Таркибида радиоактив элементлар мавжуд бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг атроф-муҳитга безарарлиги тўғрисида хулоса олингандан сўнг мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган Яроқсиз минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш комиссияси томонидан уларни йўқ қилиш масаласи кўриб чиқилади.

## 3-боб. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш тартиби

13. Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги ҳамда “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунлари талабларига риоя қилган ҳолда йўқ қилинади.

14. Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар аниқланганда, унинг эгаси зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) тегишли туман (шаҳар) бўлимига мурожаат қилади.

15. Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш бўйича мурожаат келиб тушганда, Агентликнинг тегишли туман (шаҳар) бўлими беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг туман (шаҳар) инспекцияси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг туман (шаҳар) бўлинмаси мутахассисларидан иборат Яроқсиз минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш комиссиясини (кейинги ўринларда – Комиссия) тузади.

16. Комиссия минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларнинг атроф-муҳит учун безарарлигини, мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича уларнинг физик-кимёвий мутаносиблигини эътиборга олган ҳолда уларни йўқ қилиш санаси, усули ва жойини белгилаш ҳақида қарор чиқаради.

17. Йўқ қилиш лозим бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар йўқ қилингунга қадар сақлаб туриш учун жавобгарлик унинг эгаси ҳисобланган ташкилотга ёки жисмоний шахсга (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорлик субъектига) юкланади.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг эгаси ҳисобланган ташкилот раҳбарининг буйруғи билан моддий жавобгар шахс тайинланади, буйруқда жавобгар шахснинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми, сақлашга қолдирилган йўқ қилиш лозим бўлган минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг номлари ва сериялари, ўрамлари сони (миқдори) кўрсатилади.

18. Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар унинг эгаси ёки вакили иштирокида Комиссия томонидан йўқ қилинади.

Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитларни ва кимёвий воситалар йўқ қилиш жараёни фото ёки видеосуратга олиниб, бир йил муддатга сақланади.

## 4-боб. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни йўқ қилиш бўйича далолатномани расмийлаштириш тартиби

19. Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар белгиланган тартибда йўқ қилингандан сўнг комиссия томонидан мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ далолатнома тузилади.

Далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади, қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг эгаси ҳисобланган ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри (жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди) билан тасдиқланади.

20. Далолатнома нусхалари минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг эгасига, Агентликнинг ҳудудий бўлинмасига, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмиталарининг ҳудудий вакилларига буйруқ ва Комиссия қарори нусхалари ва фото ёки видеоматериаллар билан биргаликда тақдим этилади.

21. Тергов ишлари ёки суд муҳокамаси учун минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг намуналари олинган тақдирда, сақлаш муддатидан қатъи назар, кўриб чиқиш охирига етмагунга қадар улар йўқ қилинмайди.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

22. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

# Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш СХЕМАСИ

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддатлари** |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг эгаси | Қўллашга яроқсиз бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) туман (шаҳар) бўлимига мурожаат қилади. | Қўллашга яроқсизлиги аниқланганда |
| 2-босқич | Агентликнинг туман (шаҳар) бўлими | 1. Мурожаатни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг туман (шаҳар) инспекцияси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг туман (шаҳар) бўлинмаси мутахассисларидан иборат Яроқсиз минерал ўғитларни ва кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш комиссиясини (кейинги ўринларда – комиссия) тузади.<br>2.Мурожаатни Комиссияга кўриб чиқиш учун киритади. | 5 иш куни ичида |
| 3-босқич | Комиссия | 1. Яроқсиз минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни йўқ қилиш санаси, усули ва жойини белгилаган ҳолда қарор қабул қилади.<br>2. Яроқсиз минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни белгиланган тартибда йўқ қилади.<br>3. Яроқсиз минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни йўқ қилиш ишлари якуни бўйича далолатнома тузади. | *30 кун ичида |

*) *Тергов ишлари ёки суд муҳокамаси учун минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг намуналари олинган тақдирда, сақлаш муддатидан қатъи назар, кўриб чиқиш охирига етмагунга қадар улар йўқ қилинмайди.*

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя
қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий
воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Яроқсиз минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни йўқ қилиш комиссиясининг**

**ҚАРОРИ**

20____ йил _____ ___________________ _______________-сон

Кун тартиби:

____________________________________________________________ ни йўқ қилиш усулини белгилаш.

Қатнашганлар:

________________________________________________________________________

(Ф.И.О.)

Кун тартиби бўйича муҳокама:

1. Яроқсиз минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар **ҳақида маҳсулот эгасининг маълумоти;**
2. Комиссиянинг эксперт хулосаси;
3. Таклифлар

қарор қилинди:

________________________________________________________________________

*(йўқ қилиш санаси, вақти, жойи ҳамда йўқ қилинаётган*

________________________________________________________________________

*минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг атроф-муҳит учун безарарлиги, уларнинг физик-кимёвий мутаносиблиги эътиборга олинган ҳолда*

________________________________________________________________________

*йўқ қилиш усуллари кўрсатилади)*

| | | |
|---|---|---|
| Ўсимликлар карантини ва ҳимояси *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлими бошлиғи | ____________ (имзо) | ____________ (Ф.И.О.) |
| Ўсимликлар карантини ва ҳимояси *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлими вакили *(лавозим кўрсатилади)* | ____________ (имзо) | ____________ (Ф.И.О.) |
| Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлими вакили *(лавозим кўрсатилади)* | ____________ (имзо) | ____________ (Ф.И.О.) |
| Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлинмаси вакили | ____________ (имзо) | ____________ (Ф.И.О.) |
| _____________ корхонаси раҳбари | ____________ (имзо) | ____________ (Ф.И.О.) |

*ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларнинг эгаси)*

***)***Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди.*

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни муомаладан чиқариш ҳамда йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**ЙЎҚ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Ушбу далолатнома 20___ йил ____________________ соат _____ да Комиссия аъзолари томонидан қуйидаги яроқсиз минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар йўқ қилинганлиги ҳақида тузилди.

______________________________________________________________________________

*(йўқ қилинаётган минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг номи,*

______________________________________________________________________________

*серия рақами, ўрамлар сони (миқдори)*

________________________________ усулда йўқ қилинди.

Йўқ қилиш жойи ва санаси

____________________________________________________________

Йўқ қилишда иштирок этганлар:

| | | |
|---|---|---|
| Ўсимликлар карантини ва ҳимояси *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлими бошлиғи | _____________ (имзо) | _____________ (Ф.И.О.) |
| Ўсимликлар карантини ва ҳимояси *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлими вакили *(лавозим кўрсатилади)* | _____________ (имзо) | _____________ (Ф.И.О.) |
| Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлими вакили *(лавозим кўрсатилади)* | _____________ (имзо) | _____________ (Ф.И.О.) |
| Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг *(туман/шаҳар номи)* туман (шаҳар) бўлинмаси вакили | _____________ (имзо) | _____________ (Ф.И.О.) |
| ______________ корхонаси раҳбари *(Яроқсиз минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг эгаси)* | _____________ (имзо) | _____________ (Ф.И.О.) |

**)Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “5” август даги 481-сон қарорига
4-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

**1.** 1-банднинг учинчи хатбошисидаги “2 – 35-иловаларда” сўзлари “2 – 36-иловаларда” сўзлари билан алмаштирилсин.

**2.** Қуйидаги мазмундаги 36-илова билан тўлдирилсин:

“Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомга
36-илова

**Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялаш**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Лицензия номи:** | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия |
| **2.** | **Лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари:** | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи савдоси.<br>Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг чакана савдоси. |
| **3.** | **Ариза берувчилар тоифаси:** | Юридик шахс ёки жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) |
| **4.** | **Лицензияловчи орган:** | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) |
| **5.** | **Лицензияни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:** | Ариза.<br>Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:<br>**юридик шахслар учун:**<br>юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг почта манзили, фаолиятни амалга ошириш жойи, банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисобварағи, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса), филиаллари (мавжуд бўлса, ҳар бирининг манзили алоҳида кўрсатилиши шарт), лицензияни тоифалари бўйича танлаш, аризани тўлдириш сабаби (янги лицензия олиш, қайта расмийлаштириш), лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги; |

| | | |
|---|---|---|
| | | **жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) учун:** фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт ёки ID-картага оид маълумотлар (паспорт серияси ва рақами, ЖШШИР), яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса), фаолиятни амалга ошириш манзили, лицензия тоифалари бўйича танлаш, ариза тўлдириш сабаби (янги лицензия олиш, қайта расмийлаштириш), лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги; |
| **6.** | **Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари |
| **7.** | **Лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдори:** | мавжуд эмас |
| **8.** | **Аризани кўриб чиқиш муддатлари:** | 10 иш куни ичида |
| **9.** | **Лицензия талаблари ва шартлари:** | а) Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларига, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиб кириш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидалар ҳамда тартибга риоя этиш, мазкур воситаларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва атроф-муҳитни ифлослантиришига йўл қўймаслик;<br>б) ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишида олий ёки ўрта махсус маълумотга, лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлган ходимларнинг мавжудлиги;<br>в) ходимлар билан янги меҳнат шартномалари тузилганлиги, шартномаларга ўзгартиришлар киритилганлиги ва улар бекор қилинганлиги, шунингдек, амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотларни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш.<br>Бунда мутахассислар уч йилда камида бир марта белгиланган тартибда малака ошириш курсларида иштирок этиши ва малака сертификатига эга бўлиши шарт;<br>г) товар-моддий захираларни тўғри шакллантириш, ҳисобини юритиш ва уларни бошқаришни таъминлашда – “биринчи кирувчи, биринчи чиқади” тамойилига асосланган хўжалик юритиш тизими жорий этилиши лозим;<br>д) минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар (кейинги ўринларда – минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар)нинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун |

| | | |
|---|---|---|
| | | лицензиялашнинг моддий-техник базаси ва биносига (хонасига) қўйиладиган талаблар: |
| | | **Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялашнинг биносига (хонасига) қўйиладиган талаблар** |
| | | Савдо шохобчаси ва шохобча филиалларининг савдо хоналари ҳамда бошқа мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хоналар (мавжуд бўлганда) ажратилган ва алоҳида кириш эшигига эга бўлиши зарур. |
| | | **Савдо шохобчаси хоналари ва асбоб-ускуналарга қўйиладиган талаблар** |
| | | Хона девори, шифти ва поллари дезинфекцияловчи моддалар билан намли тозалашга йўл қўйиладиган ҳолда таъмирланган бўлиши керак. Таъмирловчи воситалар сифатида сувга чидамли бўёқ, эмал ва оқ рангли сирланган кафел плиткалари (майолика) қўлланилиши мумкин.<br>Шохобча асбоб-ускуналари минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг таъсирига ва баъзи ҳолларда кимёвий реактивларнинг таъсирига турғун материаллардан ишланган, ташқи ва ички томони текис бўлиши керак. Асбоб-ускуналар ва шохобча мебеллари тозалашга қулай ҳамда ёруғлик тушишини тўсмаган ҳолда жойлаштирилиши керак. Ишлаб чиқариш хоналарида иш фаолиятига тааллуқли бўлмаган асбоб-ускуналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.<br>Савдо шохобчаси (филиаллар) махсус шахобча мебеллари, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, термолабил воситаларни сақлайдиган ишлаб чиқариш ускунаси, минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг савдоси ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланган бўлиши керак.<br>Савдо офислари қўшимча равишда совутиш ускуналари билан таъмирланган бўлиши лозим. |
| | | **Савдо шохобчаси хоналарини ёритиш ва санитария жиҳатидан ободонлаштириш** |
| | | Савдо шохобчаси хоналарида бир соат ичида камида бир маротаба ҳаво алмаштиришни таъминлайдиган табиий умумлаштирувчи вентиляцияни ишлатишга йўл қўйилади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Савдо шохобчаси ва уларнинг филиаллари сув таъминоти тармоғи ёки маҳаллий сув манбайи орқали сув билан таъминланади.<br>Савдо шохобчаси ва уларнинг филиаллари ишлатилган сувни чиқариш учун канализация тизимига уланган бўлиши керак, канализация бўлмаганда чиқариш тизими сифатида чуқур гидроҳимояланган ўралар қўлланилади. Қаттиқ ҳолдаги чиқиндилар учун герметик қопқоқли ахлат идишлар ўрнатилади. |
| | | е) минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан улгуржи савдо қилишга қўйиладиган талаблар: | |
| | | **Улгуржи савдони ташкил этиш** | Сотилган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг ҳамда улар қайси чакана савдо шохобчасига сотилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (махсус QR – код) Агентликнинг автоматлаштирилган ахборот тизимига (кейинги ўринларда – ААТ)* киритилади.<br>Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган минерал ўғитларни ва кимёвий воситаларни, шунингдек, уларнинг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш ва улгуржи савдо қилиш тақиқланади.<br>Улгуржи савдо қилувчи ташкилотлар минерал ўғитларнинг ва кимёвий воситаларнинг ишлатилишида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида дарҳол Агентликни ААТ орқали хабардор қилади.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар савдоси фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг рақами, амал қилиш муддати, шунингдек, лицензия берган орган тўғрисидаги маълумотлар танишиш учун қулай ва кўринадиган жойга жойлаштирилиши керак. |
| | | **Улгуржи савдо қилувчиларнинг бино ва омборхоналарига қўйиладиган талаблар** | Улгуржи савдо қилувчилар биносининг кириш қисмида унинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили) ва иш тартиби ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи пешлавҳа бўлиши лозим.<br>Улгуржи савдо қилувчиларнинг омборхона бинолари минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг биологик, физик-кимёвий, токсикологик хусусиятларини инобатга |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | олган ҳолда минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг тўғри сақланишини таъминлайдиган шароитга эга бўлиши шарт.<br>Омборлар ёпиқ бўлиши ва маҳсулотни ёмон об-ҳаво ва тўғридан-тўғри қуёш нурларидан ҳимоя қилиниши, чанг ва чиқиндилардан тоза ҳолда сақланиши, сақлаш ҳарорати минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг ҳароратга сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда сақланиши лозим.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сифатига таъсир этувчи намликдан сақланиши лозим.<br>Омборхонада электр таъминоти, иссиқлик ва сув таъминоти, канализация тизими (гидроҳимояланган ҳандак) ҳамда ҳаво алмаштириш ускунаси бўлиши керак.<br>Омборхона қуйидаги асбоб-ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозланган бўлиши керак:<br>ёнғинга қарши ускуналар ёки ёнғинга қарши қалқон (щит);<br>минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни сақлаш учун етарли миқдорда ҳамда барча хавфсизлик чоралари кўрилган майдонга;<br>минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни сақлаш учун паллетлик стеллажлар ҳамда тагликларга. |
| | | **Омборхонага қабул қилиш** | Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни юклаш-тушириш ишларида ёғин-сочинлардан, қуёш нурларининг бевосита таъсиридан, юқори ёки паст ҳароратдан ҳимоя қилинган бўлиши керак.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни қабул қилиш ҳамда сақлаш жойлари бир-биридан ажратилган бўлиши лозим.<br>Омборхонадан реализация учун сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг ғайриқонуний нусхалари, шунингдек, муомаладаги минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг ўсимликларга зарарли таъсирини тасдиқловчи ҳолатлар аниқланганда, улар белгиланган тартибда муомаладан чиқарилади ҳамда омборхонага қайтарилиб, тузилган далолатнома асосида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | алоҳида махсус изоляция қилинган жойда сақланади.<br>Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда, таҳлиллар натижаларига кўра омборхонага қайтарилган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар асосий сақлаш хонасига ўтказилиши мумкин.<br>Омборхонага қайтарилган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар далолатнома асосида расмийлаштирилади ҳамда белгиланган тартибда утилизация ёки йўқ қилинади**. |
| | | **Сақлашни ташкил қилиш** | Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни сақлаш учун омборларда махсус жой, жавонлар (стеллаж) ҳамда вентиляция тизими бўлиши керак. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни полда тагликларсиз сақлашга йўл қўйилмайди.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бир омборда сақланган тақдирда, алоҳида жойлаштирилиши шарт.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар қуйидагича тизимлашган ҳолда сақланиши лозим:<br>гуруҳлар бўйича;<br>қўлланиш усуллари бўйича.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг ўрамларидаги тамғалари, этикеткаси ташқи томонга қараган ҳолда жойлаштирилиши керак.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг ҳисоби яроқлилик муддати бўйича электрон шаклида юритилади.<br>Ёруғликдан ҳимоя қилиниши талаб қилинадиган ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар қоронғи хонада ёки қора рангга бўялган, эшиклари зич ёпиладиган шкафларда ёхуд қопқоғи зич ёпилган идишларда сақланиши керак.<br>Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар сақланадиган хоналар тўғридан-тўғри қуёш нуридан ҳимоя қилинган бўлиши керак. Ёруғлик фақат сунъий (электр орқали) ёки табиий бўлиши лозим. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сақланадиган хоналарда иситиш печлари бўлиши тақиқланади. Ушбу хонадаги буюмлар солинган қутилар ва шкафлар марказий иситиш батареясидан 1 метрдан кам бўлмаган узоқликда жойлаштирилиши лозим**.<br>Минерал ўғитлар очиқ майдонда сақланганда, майдон:<br>асфальтланган, кўтарилган, ювишга қулай, қуруқ ва текис жойда сақлаш;<br>сув ва тупроқ билан ўзаро таъсирнинг олдини олиш учун (жумладан, ёмғирли об-ҳаво шароитда) минерал ўғитлар қопланган ҳолда тагликларда жойлаштирилади;<br>очиқ майдонда сақланаётган минерал ўғитлар брезентли қоплама билан ташқи таъсирлардан ҳимояланган бўлиши шарт.<br>Минерал ўғитлар сақланадиган тагликлар ва уларнинг атрофидаги йўлларда ўғитлар тўкилмаслигини таъминлаш лозим. |
| | | ж) минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан чакана савдо қилишга қўйиладиган талаблар: | |
| | | **Чакана савдони ташкил этиш** | Савдо шохобчаси мудири ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳаси мутахассислиги бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлиши керак.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан чакана савдо қилишга фақат ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларга рухсат этилади.<br>Савдо шохобчалари томонидан минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни ўраб бериш орқали савдо қилиш қоидаларига ҳамда сақлаш шароитига риоя этилиши керак.<br>Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчиларга Агентлик томонидан тасдиқланган ҳамда рўйхатдан ўтган савдо жойларидан (шохобчаларидан) ташқари муқим ёки сайёр усулда фаолият юритиш тақиқланади.<br>Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни, шунингдек, уларнинг ғайриқонуний нусхаларини харид қилган |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | ҳолда чакана савдо қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.<br>Савдо шохобчалари минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг ишлатилиши чоғида ножўя таъсирлар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида дарҳол Агентликни ААТ орқали хабардор қилади.<br>Савдо шохобчалари минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар билан чакана савдо қилиш учун берилган лицензиянинг рақами, амал қилиш муддати, шунингдек, лицензия берган орган тўғрисидаги маълумотларни ёки лицензия нусхасини истеъмолчилар танишиши учун қулай бўлган жойга жойлаштириши керак. |
| | | **Чакана савдо қилувчилар савдо шохобчасига қўйиладиган талаблар** | Савдо шохобчаси биносининг кириш қисмида шохобчанинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган манзили ва иш тартиби ҳақида маълумотлар кўрсатилган пешлавҳа бўлиши керак.<br>Савдо шохобчасида минерал ўғитларни ва кимёвий воситаларнинг хавфсизлиги, сифати ва бут сақланиши учун тегишли шароитлар мавжуд бўлиши керак.<br>Савдо шохобчаси савдо зали пештахталарида рецепт асосида бериладиган ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар қўйилишига рухсат берилмайди.<br>Пештахталарда, фақатгина ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг бир дона намунаси жойлаштирилади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган қолган кимёвий воситалар сотувчилар заҳарланишининг олдини олиш мақсадида алоҳида ҳонада ва зарур ҳароратда сақланади.<br>Рецепт талаб этиладиган ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар билан рецептсиз савдо қилинишига йўл қўйилмайди**. |
| | | **Чакана савдо қилиш** | Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар билан чакана савдо қилиш агроном ёки давлат инспекторининг рецепти (шу жумладан, электрон рецепти) асосида амалга оширилади. |

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар билан электрон рецептлар асосида чакана савдо Агентликнинг ААТ орқали амалга оширилади.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан бирга сотиб олувчига идентификация маълумотлари (номи, дозаси, қадоқлаш, миқдори), уларни берувчи шахсга оид маълумотлар, бериш санаси ва нархи кўрсатилган товар чеки берилади.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни сотишда савдо шохобчасининг ходими сотиб олувчига воситани қўллаш тартиби, даврийлиги, меъёрлари, усули, сақлаш тартиби, яроқлилик муддати ҳақида маълумот бериши лозим.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар QR – код (матрик штрихли код)га эга идишда сотилиши лозим (QR – кодга эга идишлардаги минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар қисмларга бўлиб сотиш ҳолатлари бундан мустасно).

Рецепт асосида ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни беришда савдо шохобчасининг ходими рецептнинг йиртма корешогига берилган воситанинг номи, серия (лот) рақами, сотувчи фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, уни имзолайди ҳамда шохобчанинг штампи қўйилган ҳолда воситани олувчига топширади, рецепт шохобчада қолдирилади.

Қуйидаги шакл асосида рецептларни қайд этиш журнали юритилади ва қайд этиб борилиши йўлга қўйилади.

**Рецептларни қайд этиш**
ЖУРНАЛИ

| **(шохобча номи)** | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Т/Р | Сана | Хўжалик номи ёки харид қилувчининг Ф.И.О. | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ходими Ф.И.О. | Воситанинг номи, миқдори ва дозаси | Воситанинг шакли | Воситанинг нархи | Восита қўлланиладиган жой номи ва почта манзили, телефон рақами | Харидорнинг манзили, телефон рақами | Изоҳ |
| | | | | | | | | | |

Рецепт ушбу иловага зид равишда расмийлаштирилганда ёки бир-бирига номутаносиб воситалар кўрсатилганда, савдо шохобчаси томонидан унга “Рецепт ҳақиқий эмас” штампи босилади ва бекор қилинади.

Бунда бекор қилинган рецепт ҳақидаги маълумотлар қуйида келтирилган шаклдаги “нотўғри ёзиб берилган рецептларни савдо шохобчасида ҳисобга олиш журнали”да қайд этилади ҳамда бу тўғрисида Агентликнинг туман (шаҳар) бўлими хабардор қилинади.

**Нотўғри ёзиб берилган рецептларни савдо шохобчасида ҳисобга олиш журнали**

| (шохобча номи) | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Т/р | Сана | Рецептни берган ташкилотнинг номи | Нотўғри рецепт берган Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ходими Ф.И.О. | Рецепт таркиби | Рецептдаги хатоликлар (дозаси нотўғри кўрсатилган воситалар ёки ундаги ёзувларнинг ноаниқлиги кўрсатилади) | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг туман (шаҳар) бўлими хабардор қилинганлиги ҳақидаги маълумот | Шохобча вакили Ф.И.О |
| | | | | | | | |

з) савдо шохобчаси мудири ўзгариши, савдо шохобчаси ёпилиши ҳақида ўн иш куни олдин лицензияловчи органга мазкур паспортнинг 12-позициясида келтирилган шакл бўйича ёзма (электрон) хабарнома тақдим этиш**;

и) ҳар 3 (уч) йилда бир маротаба лицензиат таркибидаги савдо шохобчалари ходимларининг малакасини ошириш**;

к) минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни савдо жойларига лицензияга эга бўлган ташкилот томонидан етказиб бериш**.

| | | |
|---|---|---|
| **10.** | **Лицензия беришда келишиладиган органлар:** | мавжуд эмас |
| **11.** | **Лицензиянинг амал қилиш муддати:** | 5 йил |
| **12.** | **Изоҳ:** | *(лицензиатнинг расмий бланкаси)*<br>**Шохобча мудири ёки шохобча филиалининг мудири ўзгарганлиги тўғрисида**<br>**ХАБАРНОМА**<br>**I. Лицензиат тўғрисидаги умумий маълумотлар:**<br>1.1. Лицензиатнинг тўлиқ номи.<br>1.2. Берилган лицензия рақами. |

| | | |
|---|---|---|
| | | **II. Ўзгартириш тўғрисидаги маълумотлар:**<br>2.1. Ўзгаришлар:<br>□ шохобча мудири;<br>□ шохобча филиалининг мудири;<br>□ шохобча филиалининг ёпилиши.<br>2.2. Янги тайинланган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлганда).<br>2.3. Паспортга оид маълумотлар (серияси, рақами, паспортни берган органнинг номи).<br>2.4. Шохобча мудири учун – ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича олий ёки ўрта махсус маълумоти, дипломи тўғрисидаги маълумотлар (берилган санаси, ким томонидан берилган), шунингдек, шохобча сотувчиси учун – ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича ўрта махсус касб-ҳунар маълумоти, дипломи тўғрисидаги маълумотлар.<br>2.5. Янги тайинланган ходимни лицензиат штатига қабул қилиш санаси.<br>2.6. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами.<br>2.7. Филиалнинг ёпилиши муносабати билан лицензия фаолияти тўхтатилаётган манзил.<br>2.8. Лицензия фаолияти тугатилган шохобча филиалининг ёпилиш санаси.<br>2.9. Филиалнинг ёпилиши сабаби.<br>**III. Алмаштирилаётган ходим (мудир) тўғрисидаги маълумотлар:**<br>3.1. Ишдан бўшатилган шохобча ёки шохобча филиалининг мудиригнинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлганда).<br>3.2. Паспорт ёки ID картага оид маълумотлар (серияси, рақами, берилган санаси, паспортни берган органнинг номи).<br>3.3. Шохобча мудири ёки шохобча филиалининг мудирини ишдан бўшатилиши санаси:<br><br>______________ ______ ______________________________<br>(лицензиат раҳбари) (ЭРИ) (фамилияси, исми ва отасининг исми)<br><br>*) *жорий қилингандан сўнг;*<br>**) *Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Рег.№, Дата: 15-2297 13.08.2024
Автор: Зуфарова Д.А.
Дата печати: 21.08.2024
Сотрудник: Мухитдинов В.